



ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ БАРҚАРОР ТИЗИМЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

PhD Шомансурова Зилола Абдуваҳитовна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0009-5152-3518

zilolahonshomansurova@gmail.com

Аннотация. Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг барқарор тизимларини яратиш бўйича давлат сиёсати ва механизмларининг таҳлили келтирилган. Венчур фонdlари, стартап-экотизимлар, ва инновацион инфратузилманинг ривожланиши, давлат грантлари ва хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Тадқиқотда иқтисодиётда инновацион фаолиятни жадаллаштириш учун замонавий технологиялар трансфери ва венчур фонdlари орқали молиялаштириш зарурияти ўрганилган. Амалий ва фундаментал илмий тадқиқотларнинг ҳолати, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этишдаги самарадорлиги ҳам таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: инновацион лойиҳалар, молиялаштириш тизими, венчур фонdlари, стартап-экотизим, хорижий инвестициялар, фундаментал тадқиқотлар, иқтисодий ривожланиш.

ФОРМИРОВАНИЕ УСТОЙЧИВЫХ СИСТЕМ ФИНАНСИРОВАНИЯ ДЛЯ РЕАЛИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ: ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА

PhD Шамансурова Зилола Абдуваҳитовна
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данном исследовании представлен анализ государственной политики и механизмов по созданию устойчивых систем финансирования инновационных проектов в Республике Узбекистан. Рассмотрены существующие проблемы развития венчурных фондов, стартап-экосистем и инновационной инфраструктуры, а также вопросы привлечения государственных грантов и иностранных инвестиций. В работе изучена необходимость финансирования через трансфер современных технологий и венчурные фонды для ускорения инновационной деятельности в экономике. Также проанализировано состояние прикладных и фундаментальных научных исследований и их эффективность при внедрении в производство.

Ключевые слова: инновационные проекты, система финансирования, венчурные фонды, стартап-экосистема, иностранные инвестиции, фундаментальные исследования, экономическое развитие.

FORMATION OF SUSTAINABLE FINANCING SYSTEMS FOR THE IMPLEMENTATION OF INNOVATIVE PROJECTS: EXPERIENCE OF UZBEKISTAN

*PhD Shamansurova Zilola Abduvahitovna
Tashkent State University of Economics*

Abstract. This study presents an analysis of state policy and mechanisms for creating sustainable financing systems for innovative projects in the Republic of Uzbekistan. It examines existing problems in the development of venture funds, startup ecosystems, and innovation infrastructure, as well as issues related to attracting state grants and foreign investments. The study also explores the necessity of financing through modern technology transfer and venture funds to accelerate innovative activities in the economy. Additionally, it analyzes the state of applied and fundamental scientific research and their effectiveness in being implemented in production.

Keywords: innovative projects, financing system, venture funds, startup ecosystem, foreign investments, fundamental research, economic development.

Кириш.

Замонавий иқтисодиётда инновацион ривожланиш миллий рақобатбардошликни ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили сифатида қаралади. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимининг барқарорлиги эса ушбу жараённинг муваффақиятли амалга оширилиши учун зарурый шарт ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, технологик ривожланишни жадаллаштириш ва стартап-экотизимни шакллантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, венчур фонdlари ва халқаро молиялаштириш механизмларидан кенг фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаш тизими니 такомиллаштириш ва илмий тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан боғлайдиган инфратузилмани ривожлантириш, инновацион иқтисодиётнинг муҳим таркиби ўзи сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистоннинг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича тажрибаси, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари таҳдил қилинган. Тадқиқот миллий инновацион тизимни такомиллаштириш учун илмий асосланган хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқишига қаратилган.

Адабиётлар шарҳи.

Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш муаммолари бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, хорижлик олимлардан Смит (2007), Каплан (1996), Найт (2003), ўз ишларида корпоратив молиянинг асосий тамойилларига асосланиб, инновацион лойиҳалар учун сармояларни жалб қилишнинг назарий асосларини ишлаб чиқсан. Улар, жумладан, инновацион жараёнларнинг рискларини баҳолаш ва инвестиция қарорларини қабул қилишда замонавий молиявий воситалардан фойдаланишни ўргангандар.

Фероз (1991), Макконел, Роберт (1996) венчур капитал ва хусусий сармояларни инновацион корхоналарга йўналтириш орқали молиялаштириш имкониятларини тадқиқ қилган. Улар ўз тадқиқотларида венчур сармоянинг инновацияларни рағбатлантиришдаги роли ва самарадорлигини таҳдил қилган.

Россиялик олимлардан Гаврилова (2008), Кузнесова (1994) ва Стоянова (1998) лар корхоналарнинг инновацион фаолиятини молиялаштиришда давлат қўмагининг роли, солиқ имтиёzlари ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг турли шаклларини ўргангандар.

Уларнинг тадқиқотлари маҳаллий шароитларда халқаро тажрибани қўллаш йўлларини кўрсатиб берган.

Шунингдек, Шуляк (2005), Брысаев (2013) ва Бабич (2014) каби олимлар инновацион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усусларини ишлаб чиқкан. Улар инвестиция жараёнларини оптималлаштириш ва молиялаштириш стратегияларини танлашда аниқ воситаларни таклиф қилган.

Бундан ташқари, Новиков (2011), Милеэва (2013) ва Гарафиев (2012)лар илмий ишларида инновацион инфратузилмани шакллантириш, яъни технопарклар, инновацион марказлар ва стартаплар учун молиявий ресурсларни яратиш масалаларини тадқиқ қилган.

Акциядорлик жамиятларининг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш Ўзбекистонда ҳам долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бир қатор иқтисодчи олимлардан бу масалани ечиш учун кўплаб илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Жумладан:

Танлиқли олим Хамидуллин (2014)нинг тадқиқотларида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур молиявий манбаларни шакллантириш усуслари ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, давлат ва хусусий сектор шериклиги орқали молиялаштириш механизмларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган.

Қурбонов (2007) нинг илмий ишларида корхоналарнинг инновацион фаолияти учун зарур молиявий инфратузилмани яратиш, молиялаштиришнинг замонавий шакллари, жумладан, венчур капитал ва инновация жамғармаларини жалб қилиш йўналишлари ўрганилган. Қурбоновнинг тадқиқотлари инновацион лойиҳаларни амалга оширишда молиялаштириш жараёнида юзага келадиган хавфларни минималлаштиришга қаратилган.

Элмирзаев (2016)нинг илмий ишларида инновацион корхоналарнинг молиявий эҳтиёжларини таҳлил қилиш, бу эҳтиёжларни қондириш учун кредит ва инвестиция ресурсларини жалб этишнинг самарали усусларини ўрганишга бағишлиланган. Элмирзаев молиявий стратегияларни ишлаб чиқиша корхоналарнинг инновацион фаолиятига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни чуқур таҳлил қилган.

Шунингдек, Шерқўзиева (2021) ўз тадқиқотларида корхоналарнинг инновацион лойиҳаларини молиялаштиришнинг назарий асосларини чуқурлаштириш ва уларни амалий жараёнларга татбиқ этишга қаратган. Шерқўзиева инновацияларга сармоя киритишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган услубий ёндашувларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган.

Хамроев (2021)нинг илмий ишлари корхоналарнинг инновацион фаолиятини молиялаштиришда солиқ имтиёзлари ва бошқа давлат кўмак чораларини қўллашнинг таъсирини ўрганишга йўналтирилган. У инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун молиявий механизmlарни яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишига ҳаракат қилган.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг барқарор тизимларини шакллантириш бўйича таҳлилий ва эмпирик усуслар асосида тадқиқ қилинган. Ўзбекистон Республикасининг инновацион фаолиятига оид норматив-хуқуқий хужжатлар, давлат дастурлари ва халқаро тажриба ўрганилиб, уларга қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада статистик маълумотлар асосида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари, улардаги давлат иштироки ва хусусий секторнинг роли баҳоланиб, илмий ишланмаларни жорий этишнинг самарадорлигини аниқлаш учун амалий ва фундаментал тадқиқотлар ўртасидаги боғлиқлик таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар мұхокамаси.


Давлат инновацион фаолиятни мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилік инфратузилмасини ташкил этиб, унинг субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳукуқий асосларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик ва инновация соңасыда лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш чораларига доир» фармонига мувофиқ, вентуре молиялаштириш соңасини ривожлантириш мақсадида «Инвестицион ва бошқарув компаниялари түғрисида»ги низом лойиҳаси ишлаб чиқылди. Шунингдегі, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги 414-сонли қарорига ассоан, давлат томонидан битта ва иккінчи хусусий вентуре фонди ташкил этилди. Республика миқёсіда инновацион ғоялар ва стартап-экотизимини қўллаб-қувватлаш ҳамда инновацион инфратузилмани ривожлантириш жараёнини тезлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрдаги «УзВС» миллий вентуре фонди фаолиятини ташкил этиш чораларига доир» 684-сонли қарорига мувофиқ «УзВС» Миллий Вентуре Фонди ташкил этилди. Фонднинг устат капитали 15 миллиард сўм миқдорида бўлиб, унинг бошланғич устат капитали 2020 йил Ўзбекистон Республикаси бюджетидан Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан шакллантирилди.

Кўплаб акциядорлик жамиятларда инновация тармоғини ривожлантириш мақсадида ИТТКИ ўтказиш, янги асбоб-ускуна ва анжомларни харид қилиш, мавжуд ишлаб чиқаришни қайта таъмирлаш ҳамда техник жиҳозлаш, янги объектлар қурилишини жорий этиш фонд маблағлари орқали амалга оширилади.

Биринчи навбатда, амалий ва фундаментал тадқиқотларнинг жорий ҳолати инновацион ғоялар ва ишланмаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва уларни амалга жорий этиш учун зарур бўлган талабларга жавоб бермайди.

Иккинчидан, инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда самарали ёрдам кўрсатувчи маҳсус марказларнинг мавжуд эмаслиги каби муаммолар мавжуд.

Учинчидан, илмий ғоялар ва ишланмаларни қўллаб-қувватлайдиган ёки йўл-йўриқ кўрсатувчи, ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолашда ёрдам берувчи ахборот-таҳлил муассасаларининг тарқоқлиги сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.



1-расм. 2017-2020 йилларда худудлар кесимида ўзлаштирилган инновацияларнинг ҳолати

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш Вазирлиги маълумотлари асосида музалиф томонидан шакллантирилган.

Тўртинчидан, инновацион лойиҳалар асосида яратилган технологиялар ва илмий ишланмаларни жорий этишда юқори салоҳиятли тармоқларнинг мавжуд эмаслиги, ҳамда мавжуд тармоқларда ишлаб чиқариш учун эски технологик таъминотнинг қўлланилиши самарадорликни пасайтиришга олиб келмоқда.

1-расмда 2017-2020 йилларда ҳудудлар бўйича ўзлаштирилган инновацияларнинг ҳолатини таҳлил қиласиз. Жадвалда тақдим этилган маълумотларга кўра, 2017-2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси бу соҳада етакчи ўринни эгаллаган бўлса-да, охирги уч йил ичida инновацияларни жорий этиш даражаси пасайган. Сирдарё вилоятида инновацияларни ўзлаштириш даражаси 76,4%, Тошкент вилоятида инновацион сиёсатга қаратилаётган эътибор натижасида бу кўрсаткич 69,4%, Сурхондарё вилоятида эса 68,2%ни ташкил этган.

Кўйидаги вилоятларда Навоий 56,8%, Жizzax 55,4%, Самарқанд 55,2%, Хоразм 54,2% ва Тошкент 53,4% инновацияларни ўзлаштириш даражасига эга. Ушбу ҳудудларда инновацион ишланмаларни ўзлаштириш даражаси 50% дан юқорини ташкил этган бўлса-да, Наманган 39,9%, Бухоро 38,2%, Фарғона 15%, Қашқадарё 15,6% ва Андижон 13,6% вилоятларида бу кўрсаткич анча паст бўлиб, инновацион лойиҳалар билан ишлаш даражаси жуда паст бўлган.

Жаҳонда иқтисодий ўзгаришларнинг тез суръати хаотик даражада бўлиб, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг роли муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат томонидан инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш етакчи тармоқларнинг ривожланиш суръатларини тезлаштиради. Натижада, мамлакатимизда мавжуд тармоқлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик таъминланиб, инновацион алоқалар яхшиланиб бормоқда.

Давлатнинг инновацияларга қўйган улкан аҳамияти қўйидаги тарзда ифода этилади:

1. Инновациялар буюртмачиси сифатида давлат янги технологиялар ва маҳсулотларга бўлган талабни таъминлайди. Олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва корхоналарнинг инновацион фаолиятини жадаллаштириш мақсадида давлатнинг фаолиятлари муҳим аҳамият касб этади.

2. Инфратузилма яратувчиси сифатида давлат инновацияларни жадаллаштириш мақсадида инфратузилма объектларини яратади. Лекин, ушбу объектларнинг ривожланишида ва ишбилармонлик фаолиятида етарли даражада самарадорлик сезилмаяпти. Мамлакатимизда фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг паст даражадалиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

3. Миллий хавфсизлик ва мудофаа комплекси ривожлантириш билан биргаликда, фармацевтика, геология ва енгил саноат корхоналарида турли хил тадқиқотларни молиялаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу соҳалардаги тадқиқотлар мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу таҳдиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида инновацион ишланмаларни ривожлантириш ва амалга оширишда давлатнинг фаолиятини янада кучайтириш, илмий-тадқиқот инфраструктурасини такомиллаштириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва муаммоларни ҳал этиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурияти пайдо бўлади.

4. Давлат ва янги ваколатларни яратиш асосий субъектлар бўлганлиги туфайли, инновацияларни яратиш орқали аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. McKinsey прогнозларига кўра, 2030 йилга бориб бутун дунё бўйлаб 10 миллиондан 800 миллионгacha иш ўрни автоматлаштирилиши мумкин. Шу сабабли, яқин келажакда энг муҳим вазифа касбий қайта тайёрлаш тизимини яратиш ва ходимларга бутун фаолияти давомида бозорда талаб қилинадиган янги кўникмаларни эгаллаш имкониятини беришдан иборат бўлади. Корхоналар ходимларни иш жойида ўқитишни ташкил этиши ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириш учун

имкониятлар яратилиши зарур. Давлат ўз навбатида илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш, уларни молиялаштириш, илм-фан соҳасида ёшларни қўллаб-қувватлаш, инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналарни рағбатлантириш механизмини жорий этиш, хорижий технологиялар трансферини амалга оширишда етакчилик қилиш, замонавий технологияларни ҳаётга татбиқ этиш ва хорижий компаниилар билан инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали жаҳон бозорида ўз мавқейини мустаҳкамлашини кўзлади.

Мамлакатимизда бугунги кунда бизнес таҳлили, риск менежери, инвестицион лойиҳаларни бошқарувчи, альтернатив менежерлар каби янги йўналишларга эътиборни кучайтириш лозим. Бу соҳаларда мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни инновацион жараёнларга жорий этиш орқали мамлакатимиз иқтисодий ўсишини таъминлаш мумкин бўлади. Шунингдек, янги йўналишлар бўйича ўқув дастурларини яратиш ва амалга ошириш, малакали кадрларни тарбиялашда муҳим рол ўйнайди.

5. Давлат ва инновация маданияти

Давлат ва инновациялар маданияти давлат таълим стандартларига мос келиши ҳамда рақобатбардошлини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш йўналишларини таҳдил қилганда, маҳсус инновацион фаолиятни молиялаштирувчи молиявий институтларни ташкил этиш масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, миллий инновацион тизимда венчурли молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида венчур фондларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Венчур корхоналарини ривожлантириш жараёнида амалга оширилаётган лойиҳаларни баҳолаш усуслари га алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Нанотехнология соҳасидаги венчур инновацион лойиҳаларни баҳолашдаги асосий муаммолар қўйидагилардан иборат:

- Венчур инновацион лойиҳаларнинг етарлича бўлмаслиги: Венчур инновацион лойиҳаларнинг етарлича бўлмаслиги уларни молиялаштириш амалиётининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

- Иқтисодиёт ривожланиши ва лойиҳалар натижалари: Иқтисодиёт ривожланиши ва нанотехнология соҳасидаги лойиҳаларнинг натижаларини баҳолаш тизимининг мавжуд эмаслиги.

- Тадқиқот қиймати ва интеллектуал салоҳият: Нанотехнология соҳасидаги тадқиқотларнинг қиймати ва интеллектуал салоҳиятининг етарли даражада бўлмаслиги.

- Наноиндустрия маҳсулотларини ривожлантиришга эътиборнинг пасайиши: Наноиндустрия маҳсулотларини ривожлантиришга катта эътибор қаратишнинг йўқлиги.

Инновацион стратегияни танлаган компаниялар инновацион жараённинг шакланиши ва ривожланишини муқаррар усуlda амалга оширади. Ушбу мураккаб жараённи ташкил этиш ва амалга ошириш индивидуал инновацион лойиҳаларни киритиш орқали таъминланади, бу жамиятнинг моддий ва ижтимоий муҳитидаги сезиларли ўзгаришлар билан боғлиқ.

Давлат ва инновациялар маданиятини мустаҳкамлаш орқали давлат таълим стандартларига мос келувчи ва рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантириш мумкин. Венчур фондларини ташкил этиш ва венчур корхоналарини баҳолаш усусларини такомиллаштириш инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, илмий-тадқиқотларнинг қийматини ошириш ва интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш наноиндустрия маҳсулотларини бозорга жорий этишдаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Давлат бюджети сарфланган

ресурсларни самарали тақсимлаш ва инновацион инфратузилмани мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни ривожлантиришда еришилган натижалар мустаҳкамланиб, мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиласди.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-куватлаш жамғармасини шакллантириш башорати бўйича таҳлили, жамига нисбатан фоизда

№	Манбалар манбалари	2021	2022
1	Мулк агентлигига йиғимлар ва солиқ тоифасига кирмайдиган бошқа тўловлардан ва патент божларидан келиб тушган молиявий ресурслар	78	78
2	Бюджет маблағлари, яъни илмий фаолиятни ривожлантириш учун мўлжалланган давлат дастурлари маблағлари	8,0	6,0
3	Халқаро молия кредит институтлари молиявий ресурслари	4,0	5,0
4	Юридик ва жисмоний шахслар хайрия маблағлари	7,0	7,0
5	тижорат банкларининг вақтинча бўш турган маблағлари	3,0	3,0
	Жами	100	100

Манба: муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ҳозирги вақтда «Айнан» фонди инновацион фаолият учун ажратилган молиявий ресурсларни тақсимлашда ўзига хос трансферт агентлиги вазифасини ижро этган бўлса-да, фондингнинг асосий молиявий манбалари хусусий маблағлардан иборат эканлиги кузатилмоқда. 2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, ушбу жамғарманинг шаклланишида Интеллектуал мулк агентлиги маблағлари 78% ни ташкил этади, давлат бюджети ресурслари, жумладан илмий фаолиятга бағишланган давлат дастурлари ва мақсадли дастурлар учун ажратилган маблағлар 8%, халқаро молия-кредит ташкилотларидан келиб тушадиган молиявий ресурслар 4%, чет эл шахсларининг ҳомийлик ва хайрия маблағлари 7%, ҳамда вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларида жойлаштириш орқали олинадиган даромадлар 3% ни ташкил қиласди.

Инновацион жараён



1-расм. Инновацион жараён ташкилий модели

Манба: муаллиф томонидан шакллантирилган.

Инноватор корхоналари инновацион жараёнларнинг дастлабки ривожланиш босқичларида амалий фанлар, венчур фондлари билан ҳамкорлик қиласдан ва давлат ёрдамисиз амалга ошиrolмайди. Шунинг учун, биз томонимиздан инновацион жараёнларни ташкил этиш учун қуидаги модел тақдим этилмоқда.

Ушбу модел асосида тадқиқот ва ишланмалар соҳасида ҳамда маҳсулотларни оммавий ишлаб чиқаришда технологик объектлар эгалари билан ҳамкорликни талаб қилинади. Акциядорлик жамиятлари инновацион жараённинг барча босқичларини самарали амалга ошириш учун тўлиқ имкониятларга эга бўлиши шарт. Инновация жараёни глобал жараён деб ҳисоблаш керак, чунки замонавий дунёда бу жараённинг ҳодисалар кенглигини битта корхона ҳажмида қисқартириш деярли мумкин эмас. Инновацион жараён концепцияси лойиҳа асосида ягона бошқарув органи остида босқичларнинг маҳаллий ёки мураккаб вазифаларини ҳал этиш имконини беради. Инновацион жараённинг асосий компонентларига қуидагиларни киритиш лозим бўлиб, улар ўзаро боғланган агрегатлардан иборат: Илмий, маркетинг маълумотлари;

1. Илмий тадқиқотлар ва маркетинг тадқиқотлари;
2. Меҳнатни осонлаштирадиган ва унумдорлигини оширадиган самарали меҳнат воситалари.

Бизнинг фикримизча, инновацион жараёнлар ишлаб чиқариш ва операцион жараённинг бошқа асосий ва ёрдамчи жараёнларидан маълум фарқларга эга. Инновацион жараён моделини яратишида қуидагиларни киритамиз:

- режалаштирилган натижага эришиш бўйича хавф ва ноаниқлик ҳолатлари мавжуд;
- аниқ режалар бўйича башоратларнинг мавжудлиги;
- нафақат инновацион жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулот истъемолчичига ҳам боғлиқ;
- инновацион бозор ривожланиши жамиятга боғлиқ.


3-жадвал

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарган ташкилотлар сони тўғрисида маълумот, нафар

№	Кўрсаткичлар / йиллар	2016	2017	2018	2019	2020
1	Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарган ташкилотлар сони	323	437	389	668	304
1.1.	Илмий тадқиқот ишлари	267	313	284	456	195
1.2.	Улардан: тадқиқотнинг фундаментал йўналишда	124	133	118	188	113
1.3.	Лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишлар	31	31	31	54	28
1.4.	Тажрибавий нусха-намуналар, буюмлар, маҳсулотлар тайёрлаш	14	20	19	33	16
1.5.	Курилиш учун лойиҳа ишлари	13	10	8	33	6
1.6.	Илмий-техник хизматлар	66	143	118	219	126

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиши Вазирлиги маълумотлари.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга ошираётган ташкилотлар сони 2016 йилда 323 та акциядорлик жамиятини ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб улар сони 304 тагача камайган. Шунингдек, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи акциядорлик жамиятларининг сони 2016 йилда 267 та бўлган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони сезиларли даражада пасайганини кузатиш мумкин. Мамлакатимизда тадқиқотларни олиб боришда фундаментал йўналишга алоҳида эътибор қаратилади ва 2016 йилда 124 та акциядорлик жамияти иштирок этган бўлса, 2020 йилда улар сони 113 тагача камайган.



2-расм. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарган ташкилотларнинг йиллик ўсиши, фоизда

Манба: муаллиф томонидан шакллантирилган.

2-расмдаги маълумотлардан кўринадики, 2017 йилда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга оширган ташкилотлар сони 2016 йилга нисбатан 135,3 фоизга ўсан. 2019 йилда бу ўсиш янада тезлашиб, 2018 йилга нисбатан 171,7 фоизни ташкил қилган, бу эса таҳлил қилинган даврда энг юқори ўсиш трендини акс эттирган. Аммо 2020 йилда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини бажарган ташкилотлар сонида йиллик кескин пасайиш кузатилган бўлиб, бу кўринишнинг 45,5 фоизни ташкил этади. Ушбу пасайиш Глобал пандемия натижасида пайдо бўлган иқтисодий турғунлик билан боғлиқ әканлиги аниқланиб бормоқда.

Ушбу фаолият турларида йиллик қурилиш учун лойиха ишларини бажариш бўйича йиллик энг юқори кўрсаткич 412,5 фоизни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 2019 йилда кузатилган.

4-жадвал

Бажариладиган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар ҳажми

№	Кўрсаткичлар / йиллар	2016	2017	2018	2019	2020
1	Бажариладиган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар ҳажми	339856,9	426122,9	449905,4	680038,0	853404,4
1.1.	Илмий тадқиқот ишлари	258870,6	292803,5	300254,5	336482,5	535208,9
1.1.1	Улардан: фундаментал	53050,2	61487,6	82276,3	89254,2	162804,0
1.2.	Лойиха-конструкторлик ва технологик ишлар	19521,5	23917,2	36888,4	38714,0	97641,2
1.3.	Тажрибавий нусха-намуналар, буюмлар, маҳсулотлар тайёрлаш	1997,3	3086,2	4025,6	7677,9	6318,8
1.4.	Қурилиш учун лойиха ишлари	30748,8	43750,3	31166	77687,2	54628,9
1.5.	Илмий-техник хизматлар	28718,7	62565,7	77570,9	221205,1	160512,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиши Вазирлиги маълумотлари.

Акциядорлик жамиятларида амалга оширилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар ҳажми 2016 йилда 339,856.9 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб у 853,404.4 млн. сўмга етган (4-жадалга қаранг). Илмий

тадқиқот ишлари бўйича олиб борилган фаолият ҳажми 2018 йилдан бошлаб тезланиб, 2020 йилда 535,208.9 млн. сўмни ташкил этган. Энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган фаолият турлари – лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишлар, тажрибавий нусханамоналар, буюмлар ва маҳсулотлар тайёрлаш бўлиб, уларнинг ҳажми 2016 йилда 1,997.3 млн. сўм, 2020 йилда эса 6,318.8 млн. сўмни ташкил этган. Лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишлар соҳасида таҳлил қилинган маълумотларга кўра, 2020 йилда ушбу соҳадаги ҳажм 97,641.2 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 19,521.5 млн. сўмга ошганлигини кўриш мумкин. Қурилиш лойиҳа ишлари бўйича ҳажм 2016 йилда 30,748.8 млн. сўм, 2020 йилда эса 54,628.9 млн. сўмни ташкил этган. Илмий-техник хизматлар соҳасида эса 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 131,793.4 млн. сўмга кўпайиш кузатилган.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикасида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришда мавжуд муаммо ва имкониятларни очиб берди. Давлат томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун хуқуқий асослар ва молиявий механизмлар яратилган бўлсада, венчур молиялаштириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш талаб этилади. Инновацион инфратузилма ва стартап-экотизимнинг ривожланиши иқтисодиётнинг турли соҳаларида технологик янгиланишни жадаллаштириши мумкин.

Шунингдек, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиш даражаси етарли эмаслиги аниқланган. Фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг уйғунлигини таъминлаш, илмий-таҳлилий марказлар ва инновацион лойиҳаларни баҳолаш институтлари фаолиятини кучайтириш зарур. Давлат грантларини бюрократик тўсиқлардан холи қилиш ва молиявий ресурсларни диверсификация қилиш, инновацион фаолиятни барқарор ривожлантириш учун асосий шарт ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг барқарор тизимларини шакллантириш миллий иқтисодиётнинг технологик ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жараённи муваффақиятли амалга ошириш учун давлат, хусусий сектор ва халқаро ҳамкорликни интеграция қилиш лозим. Тадқиқотнинг натижалари миллий инновацион тизимни ривожлантириш бўйича илмий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат қиласди.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Бабич В. (2014) Инновационная модель бизнес-процесса. М. «Наука» 321с.

Брысаев А.С. (2013) Инновационное управление производственными программами и проектами в НГХК. Казань Литагент БИБКОМ. 978-5-7882-1398-9. 249с.,

Гаврилова А.Н и др. (2008) Финансовый менеджмент. -М.: КНОРУС, - 432 с.

Гарафиеев И. (2012) Инновационный человеческий капитал и когнитивный труд работника. М.: БИБКОМ. -312 с.

Каплан Р.С., Нортон Д.П. Усинг (1996) The Balanced Scorecard as a Strategic Management System // Harvard Business Review, January/February, p. 176.,

Кузнецова О.А. (1994) Структура капитала. Анализ методов ее учета при оценке инвестиционных проектов.// Экономика и мат. методы. Т. 31, Вып. 4.

Курбонов Х.А. (2007) Корпоративные финансы -Т.: Иқтисод-молия, -184 с.,

Макконел К.Р., Брю С.Л., Флинн Ш.М. (1996) Экономикс: принципы, проблемы и политика. -И.: Инфра-М, 2017., Роберт W. Колб, Рисардо Ж. Родригуэз. Финансиал Манагемент, 2нд Эдитион, - р. 386.

- Милеева М.Н. (2013) "Инновации и инвентионы. Инновации и изобретения" -М.: Финансы. -386 с.
- Найт Ф.Х. (2003) Риск, неопределенность и прибыль: Пер. с англ. -М.: Дело.
- Новиков А.А. (2011) Ресурсы и факторы инновационного развития российской экономики -М.: Синергия.
- Смит А. (2007) Исследование о природе и причинах богатства народов. -М.: Эксмо, - 960 с.
- Стоянова Е.С. и др. (1998) Управление оборотным капиталом. Учебно-практическое пособие. -М.: Перспектива. -128 с.
- Фармон (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 24.11.2018 йилдаги ПФ-5583-сон
- Фероз Э.Х., Парк К., Пастена В.С. (1991) *The Financial and Market Effects of the SEC's Accounting and Auditing Enforcement Releases // Journal of Accounting Research. Vol. 29. Supplement. rr. 107-142.*
- Хамидуллин М.Б. (2014) Повышение инвестиционной привлекательности и активизация участия акционерных обществ на рынках капитала // Новые тенденции в экономической науке и образовании.-М.: Монография, - 148 с.,
- Хамроев М. (2021) Суғурта хизматлари бозорининг инновацион фаолиятини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати.
- Шерқўзиева Н.А. (2021) Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали инвестицион жозибадорликни ошириш. Иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати.
- Шуляк П.Н. (2005) Финансы предприятия -М: Издательско — торговая корпорация «Дашков и К». - 712 с.
- Элмирзаев С.Э. (2016) Организационные характеристики и вопросы совершенствования дивидендной политики. Электронный журнал. «Международные финансы и бухгалтерский учет». №2. 28б.,